



## ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ НАЗАРИЯСИ

**Каландаров Равшан Абдукаюмович,**

Тошкент молия институти “Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси доценти

Email: [kalandarov.1979@mail.ru](mailto:kalandarov.1979@mail.ru),

ORCID: 0000-0002-9080-4402

## THEORY OF INSTITUTIONAL CHANGE

**Kalandarov Ravshan Abdukayumovich,**

Associate Professor, Department “Economic security”

Tashkent Institute of Finance

Email: [kalandarov.1979@mail.ru](mailto:kalandarov.1979@mail.ru)

ORCID: 0000-0002-9080-4402

### JEL Classification: B4, B40

#### Аннотация.

Мақолада институтларнинг моҳияти ва турлари атрофлича таҳлил этилган. Институционал ўзгаришилар орқали реал секторни ривожлантиришига багишланган назарий қарашлар эволюциясини тўрт босқичга ажратиб ўрганилган. Амалга оширилаётган институционал ўзгаришиларнинг иқтисодий ўсишига таъсирининг таҳлилига доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Уларнинг натижаларига асосланиб айтиши мумкинки, эволюцион ривожланиши давомида амалга оширилган баъзи институционал ўзгаришилар мамлакат иқтисодий ўсишига ўз ҳиссасини қўйған бўлса, бошқаларида ушибу жараён таъсир этмаган. Аммо давлатларда амалга оширилган институционал ўзгаришилар иқтисодий тараққиётга сабаб бўлган бўлса, худди шу институционал ўзгаришилар бошқа давлатларда ҳам шундай натижса берииши кафолатланмаган. Демак, мамлакатдаги амалдаги институционал тизимнинг миллий хусусиятларини инобатга олии зарурдир. Шунга асосан институционал ўзгаришиларнинг асосий йўналишиларини,

чора-тадбирлар шакллантириши лозим.

**Abstract.** The article analyzes in detail the essence and types of institutions. The evolution of theoretical approaches to the development of the real sector through institutional changes is studied in four stages. Many scientific studies have been carried out to analyze the impact of institutional changes on economic growth. Based on their results, we can say that some institutional changes made in the course of evolutionary development contributed to the economic growth of the country, while others were not affected by this process. But if institutional changes implemented in countries have caused economic development, then it is not guaranteed that the same institutional changes will have the same result in other countries. Therefore, it is necessary to take into account the national characteristics of the institutional system operating in the country. Based on this, it is necessary to form the main directions of institutional changes, a set of measures.

**Калим сўзлар:** институт, институционал ўзгаришилар, институционал муҳим, институционал

матрица, иқтисодий ўсиши, инновацион иқтисодиёт, классик иқтисодий мактаб, институционализм таълимоти, неолиберализм таълимоти, имконият ва чеклов тизими.

**Keywords:** institution, institutional changes, institutional environment, institutional matrix, economic growth, innovative economy, classical economics definition, institutionalism theory, theory of neoliberalism, opportunity and constraint system.

**Кириш.** Давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги бирламчи вазифаси бўлиб миллий иқтисодиёт ва унинг ҳар бир секторида барқарор иқтисодий ўсиш даражасини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу вазифани сифатли амалга оширишда давлат томонидан амалга ошириладиган ислоҳотлар мамлакат иқтисодий ўсишининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш секторлари фаолиятига қаратилади. Мазкур масаланинг ҳал этилиши одатда институционал ўзгаришлар ёрдамида кечади.

Институционал ўзгаришларга доир кўплаб илмий тадқиқотлар натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, эволюцион ривожланиш давомида амалга оширилган баъзи институционал ўзгаришлар мамлакат иқтисодий ўшишга ўз хиссасини қўшган бўлса, бошқаларида ушбу жараён таъсир этмаган. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, баъзи давлатларда амалга оширилган институционал ўзгаришлар иқтисодий тараққиётга сабаб бўлган бўлса, худди шу институционал ўзгаришлар бошқа давлатларда ҳам шундай натижа бериши кафолатланади, деган хуноса чиқариш нотўғри. Бу ерда мамлакатдаги амалдаги институционал тизимнинг миллий хусусиятларини инобатга олиш зарурдир. Шунга асосан институционал ўзгаришларнинг асосий йўналишларини,

чора-тадбирлар тўпламини шакллантириш лозим. Демак, маълум мамлакат доирасида институционал ўзгаришлар орқали миллий иқтисодиётдаги ўсишнинг асосий элементларини ажратиб олиш, унинг суръатлари, изчиллиги ва моҳияти ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш замонавий тадқиқотларнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси** Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида [2] Ўзбекистонда ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтиш лозимлигини таклиф қилди. Натижада, маъмурий ислоҳотлар орқали вазирлик ва идоралар сони 61 тадан 28 тага, раҳбар ходимлар 30-35 фоизга қисқартирилди натижада 2,8 триллон сўм давлаб бюджети маблағлари тежаб қолинади.

**Ўзбекистон Республикаси** Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида [1] 3-мақсад сифатида Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш белгиланган.

**Материал ва метод.** Институционал ўзгаришларнинг ЯИМ ўсишига таъсири ҳамда реал сектор атамасига нисбатан ёндашувлар доимий равишида ўзгариб борди. Жумладан, “Халқаро иқтисодиёт лугати”да иқтисодий ўшишга “узоқ вақт давомида иқтисодиётнинг товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва ахоли фаровонлигини таъминлаш қобилиятининг ошиши” [23] деб таъриф берилган. Мазкур таърифда иқтисодий ўшишга даврий тебранишлар жараёнида рўй берадиган асосий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарishнинг узоқ

муддатли ўсиш тенденцияси сифатида қаралади. Юқоридаги қараш 2004 йилда иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофоти совриндорлари Финляндиялик профессор Ф.Кидланд ва АҚШ профессори Е.Прескоттларнинг [25] илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Уларнинг фикрича, “технологик ютуқлар, яъни, узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи технологик ривожланишнинг ижобий тенденцияларидан кўра қисқа муддатли циклик тебранишлар ЯИМ ҳажмининг ўзгаришига олиб келади”. Бу ерда муаллифлар узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва қисқа муддатли циклик тебранишларни биргаликда таҳлил қилиш орқали ялпи ишлаб чиқаришда тебранишларнинг асосий омили сифатида технологик ўзгаришларни кўрсатиб ўтган.

Фикримизча, реал сектор билан боғлиқ узоқ муддатли иқтисодий ўсишни белгилайдиган технологик ривожланишнинг ижобий тенденцияси иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи омилларнинг ялпи самарадорлигини ошириб, жамғарма ва инвестицияларнинг ўзишига “туртки” бўлиб хизмат қиласди. Натижада ялпи ички маҳсулот билан бир қаторда бошқа асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам истиқболда ўсишини белгилаб беради.

**Натижалар.** Социалистик тизимнинг емирилиши натижасида XX асрнинг охирларида Шарқий Европада пайдо бўлган янги мустақил давлатларда кенг тарқалган “шок терапияси” стратегиясини танқид қилган ва тизимли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда босқичма-босқичлик ёндашувни кўплаб хорижий олимлар қўллаб-куvvatlagan. Улардан Д.Норт [10, 11], Д.Стиглиц, М.Поумер, Д.Родрик, Г.Клейнер [7] каби иқтисодчи-олимлар ўз асарларида институционал тизим ва унинг

ўзгариши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг турли жиҳатларига эътибор қаратадилар. Аксарият тадқиқотлар институционал тизимдаги ўзгаришларда комплекс омиллар ҳал қилувчи таъсирга эга эканлиги таъкидланади. Шунингдек, айнан шу ўзгаришлар ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда реал сектордаги иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли истиқболини белгилаб бериши таъкидланади.

Институционал ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирига доир кўплаб илмий тадқиқотлар натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, эволюцион ривожланиш давомида амалга оширилган баъзи институционал ўзгаришлар мамлакат иқтисодий ўсишга ўз ҳиссасини қўшган бўлса, бошқаларида ушбу жараён таъсир этмаган. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, баъзи давлатларда амалга оширилган институционал ўзгаришлар иқтисодий тараққиётга сабаб бўлган бўлса, худди шу институционал ўзгаришлар бизнингча, бошқа давлатларда ҳам шундай натижа бериши кафолатланади, деган хулоса чиқариш нотўғри. Бу ерда мамлакатдаги амалдаги институционал тизимнинг миллий хусусиятларини инобатга олиш зарурдир. Шунга асосан институционал ўзгаришларнинг асосий йўналишларини, чора-тадбирлар тўпламини шакллантириш лозим. Шу сабабли маълум мамлакат доирасида институционал ўзгаришлар орқали миллий иқтисодиётдаги ўсишнинг асосий элементларини ажратиб олиш, унинг суръатлари, изчиллиги ва моҳияти ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш замонавий тадқиқотларнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Демак, мазкур тадқиқот ишининг ушбу қисмида институционал ўзгаришларнинг сифатини баҳолашда асосий эътиборни

институтларни тадқик қилишга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, реал сектор ва умуман мамлакат ЯИМ ўсишини таъминловчи институционал ўзгаришларни кенгроқ таҳлил қилиш учун АҚШлик олим, Нобель мукофоти совриндори Д.Норт томонидан институтларга берилган таърифидаги “имконият ва чеклов” тизимини тадқик қилишни талаб этади. У институтларни “расмий қоидалар, норасмий чекловлар ва чекловлар самарадорлигини таъминлаш усуллари” ёки “уларни амалга оширишни таъминлайдиган қоидалар, механизмлар ва одамлар ўртасидаги такрорланувчи ўзаро муносабатларни шакллантирадиган қоидалар ва механизмлар” [10] деб таърифлайди. Шунингдек, Д.Нортнинг фикрига кўра: “Институтлар – бу ўйин қоидалари, ташкилотлар, умумий мақсадлар билан боғланган шахслар гурухларидир” [11]. Демак институционал ўзгаришларни амалга оширишда ушбу қоидалар, ташкилотлар, гурухлар фаолияти реал секторни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Фикримизча, мамлакатдаги институционал ўзгаришларнинг реал сектордаги иқтисодий ўсиш шартлари сифатида таҳлил қилганда, мамлакатдаги иқтисодий институтлар динамикаси билан боғлиқ жараёнларни миллий манфаатларга боғлиқ ҳолда кечишини инобатга олиш керак. Сўнгги ярим асрда институционал ўзгаришларнинг алоҳида тадқиқот мавзусига айланиши юқоридаги фикрни исботлайди. Бу ғарб иқтисодчилари Д.Норт, Д.Ачемоглу, Р.Барро, А.Алезина, Россиялик иқтисодчи-олимлар Г.Клейнер, Р.Нуреев, В.Тамбовцев, В.Полтерович, В.Иноземцев, Қозогистонлик олимлар С.Турежанов, Б.Ахметжанова, Тожикистанлик олимлар М.Аминжанова, А.Джабборов, К.Дериникян тадқиқотлари

объекти бўлиб хизмат қиласди. Уларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётдаги иқтисодий ўсиш айнан тўғри танланган институционал ўзгаришлар натижасидир. Рус иқтисодчилари В.Полтерович ва Е.Балацкий [4, 14] томонидан ишлаб чиқилган назария ҳам эътиборга молик. Бу назария “институционал тузок” деб номланган. Унда хўжалик юритиш ва иқтисодий муносабатларнинг самарасиз, аммо барқарор институтлар пайдо бўлиш механизми тўлиқ очиб берилган. Италиялик ва АҚШлик иқтисодчилар А.Алезина ва Р.Барро [20, 21] назарияларига асосан, “тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш асосида институционал муҳитнинг сифат жиҳатлари, мулк ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий ўсиш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги кўрсатиб берилган”.

Д.Норт институционал ўзгаришларни тадқиқ қиласди экан уларни эндоген ва инкремент ўзгаришларига таснифлашни таклиф этди. Бу таснифа асосан “эндоген ўзгаришлар одатда расмий қоидалар ва меъёрларга, инкремент эса - норасмий ўзгаришларга хос эканлигини англатади” [10]. Институтларни ривожлантиришнинг бирбирига боғлиқ икки йўлини ажратиб кўрсатиши мумкин: эволюцион ва инқилобий. Профессор Г.Клейнер фикрича, “институтларни ривожлантиришнинг эволюцион ва инқилобий йўлида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир кўрсатадиган кўпгина бевосита ва билвосита омиллар кузатилади” [7]. XX асрнинг охирида маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини белгилаб олган давлатларда амалга оширилган институционал ўзгаришларни таҳлил этиш

давомида баъзи мамлакатлар эволюцион (Ўзбекистон, Қозоғистон), баъзилари эса, инқилобий (Россия, Чехия) йўлни танлаб олганини кўришимиз мумкин. Ушбу таснифлашдан ташқари, институционал ўзгаришларни иккита турга: тасодифий ва мақсадлига ажратиш мумкин.

Институционал ўзгаришларга оид назариялар орасида Россия иқтисодчилари С.Кирдина ва Г.Клейнер [6, 7] томонидан ишлаб чиқилган ҳамда эволюцион ва лойиҳавий ёндашувларнинг афзалликларини ўз ичига қамраб олган концепцияни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Россиялик социолог ва иқтисодчи олим С.Кирдина институционал матрикаларни ажратиб кўрсатади. Унинг таърифига кўра, “институционал матрица – бу барқарор, тарихан ташкил топган асосий институтларнинг тизими бўлиб, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий қатламларини ўзаро боғлиқлик фаолиятини тартиба соловчи яхлит тизимдир” [6]. С.Кирдина институционал матрицанинг иккита асосий турини ажратиб кўрсатади: шарқий X ва ғарбий Y матрица. X матрица Россия, Осиё ва Лотин Америкасининг аксарият мамлакатларига хос бўлган матрица, деб кўрсатади. Шунингдек, С.Кирдина таъкидлашича, “Германия ва Япониянинг иқтисодий мўъжизалари, шунингдек, Хитой ва Осиё йўлбарсларининг замонавий иқтисодий ривожланиши ижтимоий ҳаётга онгли, тартиба солинадиган тўлдирувчи институтларнинг жорий этилиши натижасидир”. Щу билан бирга С.Кирдина “институционал ўзгаришларни жамиятнинг институционал матрицаси тури билан белгиланадиган эволюцияга мувофиқ амалга ошириладиган институционал шаклларни такомиллаштириш жараёни ва ижтимоий узлуксизликни таъминлашнинг

фундаментал жараёнларини қўллаб-куватловчи асосий институтлар ўзгармас, барқарор ва ўз мазмунини сақлаб қолади” - деб хисоблайди.

Мамлакатимиз етакчи олимларидан Б.Беркинов институционализмнинг тадқиқот марказида институтлар туришини айтиб, у “инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий меъёрлар ва қоидалар туришини” таъкидлайди. Худди шундай фикрлар У.Хўжамуратов, А.Расулов, А.Бедринцев, Х.Мухитдинов, М.Хайдаровларнинг илмий ишларида ҳам учрайди.

Мамлакатимиз олимлари ҳам институционал ўзгаришлар масаласига тўхталиб ўтишган. Жумладан, аграр соҳадаги институционал ислоҳотлар Д.Тожибоева ва Ш.Олимжоновалар [17, 12] томонидан тадқиқ қилинган. Д.Тожибоева “дунёнинг турли мамлакатларида ЯИМ ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, иқтисодиётнинг локомотив тармоқларини, жумладан, аграр соҳани миллий озиқ-овқат хавфсизлиги талабларидан келиб чиқиб ривожлантириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ушбу жараёнларни самарали институтционал ўзгаришлар воситасида ҳал этиш имкониятлари аҳолининг турли ижтимоий қатламларида амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан бўлган ишончни мустаҳкамламоқда” деб маълум даражада иқтисодиётда реал секторни ўрнини ёритиб берган. Щу билан бирга муаллиф институционал ўзгаришлар иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик бирлиги эканлигини, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, бошқаришнинг субъектив ва объектив ўлчовлари бирлигини ифодалashi билан классик, неоклассик қарашлардан фарқ қилишини ҳам

кўрсатиб беради. Албатта, мазкур фикрлар биз юқорида ўрганган Д.Норт, К.Янковский, С.Кирдина ғояларини тўлдиради.

Ш.Олимжонова [12] эса “институтларнинг моҳияти, мавжудлиги ва ривожланиш усуслари иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ шакллари билан боғлиқлигини айтиб, бу ўринда давлатнинг ўрнини алоҳида эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу бозор жараёнларини тўғридан-тўғри бошқариш эмас, балки ушбу жараёнларда содир этиладиган доирадаги меъёrlар ва қоидаларнинг белгиланишида намоён бўлишини айтади”.

**Мунозара.** Тадқиқотлар институционал ўзгаришлар орқали реал секторни ривожлантиришга бағищланган назарий қарашлар эволюциясини қўйидаги тўрт босқичга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Биринчи босқич билан боғлик. Мазкур давр кичик мануфактураларнинг йирик ишлаб чиқариш тармоқларига айланиши билан тавсифланади. А.Смит, Ж.С.Милл, Ж.Б.Сэй [16, 9, 15] каби иқтисодчи олимлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосида иқтисодий ўсиш таъминланиши ва реал сектор ривожланишидаги ўзгаришларни ёритиб ўтганлар. Евropa давлатларида мазкур босқич бир қатор бозор институтларининг шаклланиши ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари билан тавсифланади.

Иккинчи босқич институционализм таълимоти вакилларининг илғор ғоялари асосида шаклланди. Жумладан, Т.Веблен, Ж.С.Коммонс, У.Митчелл [5, 8] каби олимлар институционал ғояларни илгари суришди. Бу даврда иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришнинг механизациялашув даражаси ортди ва қўл меҳнати аста-секин кисқариб борди. Ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатлар

иқтисодий тараққиётининг ҳақиқий таянч нуқтасига айланди.

Учинчи босқичда Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Р.Познер [22, 10, 11, 18, 24, 26] каби олимларнинг неолиберал ғоялари илгари сурилди ва мазкур босқичда хизмат кўрсатиш соҳаси саноат ишлаб чиқариш соҳаси каби юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этди. Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодий тараққиётининг зарур соҳасига айланиб, ҳатто ЯИМнинг 50 фоизгача бўлган қисмини ташкил этадиган бўлди. Йирик хизмат кўрсатиш тармоқлари: савдо, туризм, банк-молия соҳаси, шу жумладан, фонд бозори каби хизмат кўрсатишга қаратилган институтларнинг фаолияти юқори поғонага кўтарилиди ва иқтисодиётга таъсири кучайди.

Тўртинчи босқич иқтисодиётнинг инновациялашуви билан боғлик бўлиб Й.Шумпетер, Е.Прескотт, С.Миллер, Ф.Кидланд [19, 3, 13, 25] каби олимларнинг инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришга оид ғоялари билан тавсифланади. Бу босқич ўтган асрнинг охирларида шаклланиб, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Инновациялар иқтисодий институтларнинг чукур трансформациялашувига сабаб бўлмоқда, жумладан, ноу-хау, илм-фан ютуқлари асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари янада такомиллаштирилмоқда. Умуман, реал секторни такомиллаштириш билан боғлик институционал ўзгаришлар эволюцион жиҳатдан мамлакатлар иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилди.

Юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқсан ҳолда фикримизча, реал сектор дейилганда - барча моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларининг мажмуаси тушунилади, аммо, унга молиявий хизматлар кўрсатиш соҳаси кирмайди.

Демак, иқтисодиётнинг реал сектори деганда иқтисодиётнинг бевосита моддий ишлаб чиқариш: инсон ёки умуман жамият эҳтиёжларини қондиришига мўлжалланган моддий буюмларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш (молиявий хизматлардан ташқари) орқали даромад олиш ва давлат бюджетини тўлдиришга бевосита боғлик соҳалар тушунилади. Булар қаторида саноатнинг барча тармоқлари: оғир, енгил, қазиб оловчи, кимё, металлургия, машинасозлик; қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш каби ишлаб чиқариш мажмуалари ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан савдо, умумий овқатланиш, логистика, ахборот, алоқа, интернет кабилар ҳам киради. Бугунги кунда мамлакат ЯИМнинг асосий қисмини реал сектор маҳсулотлари ташкил этади. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда иқтисодий ўсишга бағишлиланган назарий қарашларни реал секторни ривожлантириш концепцияларининг асоси сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**Хулоса.** Иқтисодчи-олимлар томонидан институционал ўзгаришларнинг муваффақияти тўғрисида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, муайян институтларнинг дунёнинг барча миллий иқтисодиётлари учун афзалликлари тўғрисида хулоса чиқариб бўлмайди.

Демак, институционал ўзгаришларнинг ўзига хос шартшароитлари, тўғри ва вақтида танланганлиги ҳамда динамикаси уларнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, реал секторни ривожланишига қаратилган институционал ўзгаришлар миллий иқтисодийда узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий шарти ҳисобланади. Шу билан бирга институционал ўзгаришларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ёки институтлар нотўғри танланиши нафақат иқтисодий ўсишга тўғридан-тўғри тўскинлик қилиди, балки иқтисодий инқизорзларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида
3. Балашова Е. Финн Кюдланд и Эдвард Прескотт: движущие силы экономических циклов // Вопросы экономики. 2005. № 1. С. 133-143.
4. Балацкий Е.В. Функциональные свойства институциональных ловушек. Экономика и математические методы. 2002. Т.38. №3.
5. Веблен Т. Теория праздного класса. Прогресс, 1984.
6. Кирдина С.Г. Институциональные матрицы и развитие России. Новосибирск: ИЭиОПП СО РАН, 2001.
7. Клейнер Г. Особенности формирования экономических институтов. Экономика и математические методы. 2003. №2. С. 203.



8. Коммонс Дж. Р. Правовые основания капитализма. М.: ГУ ВШЭ, 2011. 416 с. "Wieser's Theory of Social Economics", 1915, PSQ.
9. Милль Дж.С. Основы политической экономики. М.: Прогресс, 1980.
10. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М.: Фонд экономической книги "Начала". 1997.
11. Норт Д. Пять тезисов об институциональных изменениях Вашингтонский университет г. Сент Луис.
12. Олимжонова Ш.О. Аграр соҳада институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг назарий жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2012. 6 б.
13. Прескотт Дж.Е., Миллер С.Х. Конкурентная разведка: Уроки из окопов. М. "Альпина Паблишер". 2016.
14. Полтерович В.М. Институциональные ловушки и экономические реформы. Экономика и мат. методы. 1999.
15. Сэй Ж. Б. Начальные основания политической экономии, или Дружеские беседы о производстве, разделении и потреблении богатств в обществе. М. 1828.
16. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Эксмо, 2016. С. 255.
17. Тожибоева Д. Миллий иқтисодиётда институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси аграр соҳа мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.:2020. 5 б.
18. Уильямсон О. Экономические институты капитализма: Фирмы, рынки, «отношенческая» контрактация / Пер. с англ. СПб.: Лениздат; CEV Press, 1996. С. 702. ISBN 5-289-01816-6.
19. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М. "Эксмо". 2007.
20. Alesina, A. The Political Economy of High and Low Growth, Annual World Bank Conference on Developing Economies, 1997. P. 33.
21. Barro, R. Determinants of Economic Growth: A Cross-Country Empirical Study, HIID Development Discussion Paper, 579, April 1999.
22. Coase, Ronald. The Institutional Structure of Production // The American Economic Review, vol.82, n°4, pp. 713—719, 1992.
23. Deardorff, Alan V. Terms of Trade: Glossary of International Economics. - World Scientific Publishing Company, 2005. P. 400.
24. Elisabeth M. Landes & Richard A. Posner, The Economics of the Baby Shortage, 7 J. Legal Stud. 323 (1978).
25. Kydland F., Prescott E. Time to Build and Aggregate Fluctuations //Econometrica. 1982. Vol. 50. No 6. <https://www.jstor.org/stable/1913386>.
26. Richard A. Posner, The Regulation of the Market in Adoptions, 67 B.U.L. Rev. 59 (1987).